

ФАЛСАФА ва ҲУҚУҚ

Ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий, фалсафий-ҳуқуқий журнал
2019/1 (№13)

Айни вақтда мамлакатимиз босиб ўтган тараққиёт йўлининг чуқур таҳлили, бугунги кунда жаҳон бозори конъюнктураси кескин ўзгариб, глобллашув шароитида рақобат тобора кучайиб бораётгани давлатимизни янада барқарор ва жадал суръатлар билан ривожлантириш учун мутлақо янгича ёндашув ҳамда тамойилларни ишлаб чиқиш ва рўёбга чиқаришни тақозо этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев

Тахрир хайъати:

Б.Т.Тўйчиев - ф.ф.д.,
профессор

Е.С.Канъязов -
Тошкент Давлат юридик
университети ректори,
ю.ф.н.

Г.Т.Маҳмудова -
ф.ф.д., профессор

Й.О.Жўраев -
ю.ф.д., профессор

М.Н.Абдуллаева -
ф.ф.д., профессор

Қ.Н.Назаров - ф.ф.д.,
профессор

Р.Ж.Рўзиев -
ю.ф.д., профессор

Бош муҳаррир:
А.Г.Муминов -
с.ф.д., профессор

Журналнинг мазкур сони Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги томонидан тасдиқланган ПЗ-20170930170 - сонли “Ўзбекистонда сувга муносабат, халқимизнинг экологик ва ижтимоий тафаккурининг янгилашиш механизмларини такомиллаштириш” мавзусидаги лойиҳа доирасида Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти “Гуманитар фанлар” кафедраси, Ўзбекистон Миллий университети “Ижтимоий фанлар” факультети ва Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти ҳамкорлигида “Ўзбекистоннинг баркамол шахс ва малакали кадрларни тайёрлаш стратегияси” мавзусида ўтказилган илмий-амалий анжуман (2019 йил 29 апрель) материаллари асосида тайёрланди.

Му а с с и с: Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий
университети

Тахририят манзили: 100095 Тошкент шаҳар,
Университет кўч., 4.

www.falsafavahuquq-jurnal.nuu.uz

E-mail: falsafavahuquq-jurnal@nuu.uz

Босишга рухсат этилди: 14.05.2019й.

Ҳажми: 12,38 б.т. Адади 70 нусха. Буюртма № 0205.

ТИҚХММИ босмаҳонасида чоп этилди.

Тошкент 100000, Қори-Ниёзий кўчаси 39 уй.

e-mail: admin@tiiame.uz internet: www.tiiame.uz

Tel: (+998-71) 237-26-06

Журнални нашрга тайёрловчилар
Қ.Назаров, А.Муминов, Х.Соқиев

Раҳмонов Б.	Ёшларни миллий ғоя руҳида тарбиялашда этномаданиятнинг ўрни	110
Соқиев Х.В.	Ахборотлашган жамиятда шахс идентиклигига таъсир қилувчи омиллар	113
Умарова Ф. С.	Ижтимоий ўзгаришлар ва уларнинг этнофақкурдаги инъикоси	116
Ли Е.	Креативность и творчество: сходства и различия	118
Ишимов А.	Илм-фан ривожига кўшилган муносиб ҳисса	121
Туйчиев Б.Т., Бектаева Н.Т.	Философия Абая и ее значение для современности	124
Джураева Н.А.	Исследование онтологико-гносеологических аспектов развития цивилизаций	127
Бекмуратов И.Н.	Философия мирного возвышения Китая: от идеи к реальности	130
Элмуратова Ш.	Рус тарихчилари Бухоро амирлиги тараққиётида шаҳарларнинг ўрни ҳақида	133
Норматов О.М.	Ўрта Осиёда ўтказилган миллий-худудий чегараланишнинг районлаштиришга таъсири	135
Раҳманкулова А.Х.	К вопросу развития театрального и музыкального искусства корейцев Узбекистана	138
Закирова Д.Т.	Маданиятлараро мулоқот – глобаллашув жараёнининг муҳим шарти	141
Иброҳимов Ф.	Инсон бегоналашувининг мазмун-моҳияти	144
Турдибоева М.	Ёшларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш масалалари	147
Ботирова Х.Э.	Мустақиллик йилларида Ўзбекистон жанубий худудларида аграр соҳадаги ислоҳатлар ва унинг истиқболи	150
Ахмедова Д.Б.	Ўзбекистонда фуқаролик жамияти юзага келишининг тарихий талқини	153
Ҳакимова М.А.	Фуқаролик жамияти – маънавий-маданий қадриятларга таянадиган эркин демократик ҳуқуқий жамиятдир	156
Эрназаров Ш.	Миллий ғоя ва қадриятлар уйғунлиги	159
Носирхўжаева Г.	Абу Райҳон Берунийнинг илм-фан тарихини фалсафий ўрганишга қўшган ҳиссаси	162
Джураев Ш. Ф.	Характеристика культуры средней азии в эпоху ученых мыслителей IX – XIII веков	165
Тожибоева Д.	Маърифат ва диний бағрикенгликнинг ўзаро боғлиқлиги	168
Мама Назаров С.	Буюк алломалар ижоди – маънавий қадриятлар шаклланишининг тамал тоши	171
Нишонбоева Г.	Мамлакат ҳаётини янгилаш - маданият соҳасини ривожлантириш омили	174
Муқимов Б.А.	Миллий ва умуминсоний қадриятларнинг баркамол шахс шаклланишидаги аҳамияти	178
Ўринбоев Д.	Замонавий стратегемалар назарияси амалиётида алоҳидалик ва умумийлик диалектикаси	181
Сайтқосимов А.	Иижтимоий барқарорлик - жамият ҳаёти ва фарвонлигини таъминлашнинг зарур шарти	184
Амридинова Д.	Тасаввуф таълимотида комил инсон ғояси	187
Назаров Қ.	Етук файласуф кадрлар тайёрлаш маскани	191
Узоқов Б.	Фалсафага эътиборнинг яққол ифодаси	193
Тураев Б.О.	Кўчқор Хоназаров – ўзбек миллий интеллекти тимсоли	195

этибор марказида бўлиб келмоқда. Табиийки, бундай пухта ўйланган тараққиёт йўли айрим сиёсий кучларни қониктирмайди. Глобаллашувниг замонавий “либераллари” “демократия”, “инсон ҳуқуқлари” каби муқаддас қадриятларни ниқоб қилиб олиб, халқларни маҳаллий манфаатлари, азалий қадриятлари, ахлоқ нормалари ва анъаналаридан изчиллик билан узоқлаштириш сиёсатини қўллаб-қувватламоқда.

Хўш, ҳозирги вақтда глобаллашув тарафдорлари томонидан миллий маданият ўрнига қандай маданият таклиф этилмоқда? Умумжаҳон маданияти дея таъкидланаётган америкача яшаш тарзи, аёнки, даромадни максимал кўпайтириш ғоясига садоқат асосида шаклланган, “Макдональдс” ёки “Кока-кола” сингари компаниялар тимсолида ўз ифодасини топган “оммавий маданият” номи билан тақдим этилаётган “истеъмолчилик маданияти” деб аташ тўғрироқ бўларди.

Кези келганда, “истеъмол”, “истеъмолчилик маданияти” ва “истеъмолчилик кайфияти” тушунчалари ўртасидаги фарққа ҳам тўхталиб ўтиш зарур. Биз яшаш учун озиқ-овқат, сув истеъмол қиламиз, кийим-бош харид қиламиз, бошпана-уй қурамиз. Шу маънода, албатта, инсон – истеъмолчи. Бироқ “истеъмолчилик маданияти” кишидаги энг тубан майлларга суянади, уларни кўзгайди, одамда истеъмолчилик кайфиятини уйғотишга интилади. Бундай кайфиятдаги кимса эса ҳамма нарсага шахсий манфаат нуқтаи назаридан ёндашадиган бўлиб қолади. Эзгулик, мурувват, меҳр, муҳаббат, ватан, халқ, ўзгалар тақдири учун жавобгарлик сингари туйғу ва тушунчалар “қоринни тўйдирмайдиган” қуруқ гап сифатида хаёлдан чиқариб ташланади. Шунинг учун ҳам ғарбликларда “кишининг ҳамёни қаерда бўлса, юраги ҳам ўша ерда” деган ярим ҳазил, ярим чин ибора кўп қўлланилади.

Аслида, маданият инсон фаолиятининг ички мазмунини ташкил этади. Шу нуқтаи-назардан қараганда инсон фаолиятининг асосий маъно-мазмунини ўзининг эркин ижодкор шахс сифатида рўёбга чиқариш, заррама-зарра тўплаб инсонийлик дунёсини яратиш ва шу асосда оламни ҳам инсонийлаштиришдан иборат. Шундай экан, истеъмолчилик кайфиятининг ўзагини ташкил этган “оммавий маданият” ҳақиқий маданиятнинг моҳиятига зид ва ётдир. У инсонни маънан мажруҳ этадиган, унинг маънавий дунёсини бузадиган, охир-оқибат жон сақлашдан ўзга мақсади бўлмаган бир махлуқ даражасига тушуриб қўядиган, халқни эса оломонга айлантирадиган ҳодисадир. Шунинг учун ҳам бундай маданиятни “оломон маданияти” дейиш мумкин.

Сўнгги йилларда ЮНЕСКО ташкилоти жаҳондаги турли халқларнинг моддий-маданий обидаларини асраш билан бирга, урф-одат ва анъаналари каби номоддий маданиятини сақлаб қолишга ҳам алоҳида эътибор қаратаётгани бежиз эмас. Ғарб либосидаги “оммавий маданият” хуружи турли миллат ва халқларни, миллий маданиятларни ҳимоялашга чоғлайди ва зиддиятларнинг кучайишига сабаб бўлади. Бугунги Ғарб давлатлари тараққиётининг турли соҳаларида, хусусан, маданий ҳатда юз бераётган инқироз жараёнларига холис ёндашаётган мутахассислар унинг ҳалокат томон бораётганини таассуф билан қайд этмоқдалар. Масалан, америкалик таниқли файласуф ва сиёсий шарҳловчи П.Ж.Бьюкененнинг сўнгги йилларда нашр қилган китоблари сарлавҳасининг ўзиёқ бу фикрни тасдиқлайди: “Буюк хоинлик: Америка суверенитети ва ижтимоий адолат глобал иқтисодиёт тангрисига қурбон этилгани ҳақида” (1998), “Ғарбнинг ҳалокати: аҳолининг камайиши ва муҳожирликнинг кўпайиши мамлакатимиз ва тамаддунимизга қандай таҳдид солмоқда?” (2001), “Ўнларнинг сўлларга айланиши” (2004) ва ҳ.к.

Хусусан, “Ғарбнинг ҳалокати” китобида АҚШда вужудга келган вазиятни чуқур ва атрофлича таҳлил этар экан муаллиф ўз юртининг, умуман, Ғарб дунёсининг таназзулини, аввало, маданиятнинг емирилаётгани, азалий урф-одатларининг йўқолиб бораётгани, асрлар давомида эъзозлаб келинаётган қадриятларнинг топталаётгани билан изоҳлайди ва бундай бузғунликка сабаб бўлган “маданий инқилобчилар”ни “замонамиз толибонлари” деб атади.

Аслини олганда, глобаллашувнинг маданиятлараро муносабатлардаги энг долзарб анъаналари унчалик янги ҳам эмас. Жаҳондаги тарихий жараёнларда азалдан бир-бирига зид, аммо бир-бирини тақозо этган ва тенг асосга эга икки майл – бир томондан, маданиятларнинг мулоқотга, яқин муносабатларга интилиши, иккинчи томондан, уларнинг

Этномаданий ўзига ҳосилитини сақлашга, ташқи таъсирдан химояланишга интилиш ҳос бўлган. Аммо бизнинг давримизда бу анъаналар зиддиятли қўрилиш касб этаётгани билан хатарлидир.

Қиска қилиб айтганда, ҳозирги вақтда глобаллашув жараёнининг асосий муаммоларидан бирини маданиятларро мулоқот масалалари ташкил этади. Жаҳон микросида рўй бераётган ва "маданий инқилоб" тусини олаётган ўзгаришларининг натижаси ўларок, бир-бирга зид ва бир пайтда бир-бири билан ҳамбарчас боғлиқ бўлган икки харакат кўзга ташланмакда. Булар – кишилик маданиятининг ранг-баранглигини инкор этиш тарзида маданий унификациялаш (бирлаштиришга) ва унга қаршилик кўрсатиш асносида бошланган маданий идентификациялаш (ажралишга), аниқроғи, давлат ва халқларнинг маданий ўзига ҳосилитини сақлаб қолишга интилишдир.

Аммо, шунга ҳам ёнда тутмоқ лозимки, бўтулги жаҳон тарихи – ер қуррасидати тақдир муштарак бўлган барча халқларнинг ўтмиши, таракқийти, маданий бойлиги ва анъаналарини камраб олган умумий эҳтижларидир. Ҳоё ўзига ҳослик неғизидати бўндай бирлик, аслида, дунё ахлитлиги, унинг нақадар ранг-баранг ва бетакрор эканининг ёркин ифодасидир. Қолаверса, бу инсоният маданияти оламнинг думий харақатда бўлган мураккаб тизим сифатидати янвоҳланганининг энг муҳим белгисидир.

Шу боис қачонки, оламзо дунёнинг ранг-баранглиги асосланган ана шу бирлик ва ахлитликни англеса, ўз ҳаётида миллийлик ва умуминсонийликни оқилона ўйгунлаштира ола, интeграциялашув жараёни янада шиночли ва самарали бўлади.

Глобаллашув шароитида ўзбекистонда ўзун демократик таракқийт ва модернизация ҳозирги даврнинг индор, демократик ютуқларини миллий тарихий анъанавий маданият, маънавият ва қадрлар билан ўйгунлаштириш асносида амалга ошиши мақсадга мувофиқдир. Глобаллашув жараёнининг оқибатларини имкон борича зарарсизлантириш унга таъсир қилиш нуктаи назардан ўз-ўзини англаш ва миллийланган глобаллашувга таъсир этувчи асосий ижобий омиллардан бири сифатида намоён бўлади. Глобаллашув жараёнида иштирок этишнинг бундай усули миллатнинг маданий ва маънавий ахлитлигини сақлаб қолишга, унинг миллий ўзиндан чекинмасликка ва соф миллий-инсоний ғазилатларни янада ривожлантиришга ҳамаёт қилади. Ўзбекистоннинг глобаллашув жараёнига миллий ўзликни англаш орасида қароб бориши унинг прогрессив таракқийт йулидан боришини англашгади.

Адабиётлар

1. Берк Э. Ғарбнинг ҳаёқати // Жаҳон адабиёти. – 2007. – №1. – Б.14.
2. Giddens A. Runway world: How Globalisation is Reshaping our Live. – N.Y.: Routledge, 2000. – P.17.
3. Зокиров Б. Ғарб тэматуни: инкироз аломатлари // Тафаккур. – Т. – 2007. – №2. – Б.12-23.